

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ДЖУМАНОВ ЖАМОЛЖОН ХУДАЙҚУЛОВИЧ

МИНТАҚАВИЙ ГИДРОГЕОЛОГИК ТИЗИМЛАРНИНГ
ГЕОФИЛЬТРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ МАТЕМАТИК
МОДЕЛЛАШ

05.01.07 – «Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи»

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2017

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Джуманов Жамолжон Худайкулович

Минтақавий гидрогеологик тизимларнинг геофилтрация жараёнларини математик
моделлаш 5

Джуманов Жамолжон Худайкулович

Математическое моделирование геофилтрационных процессов региональных
гидрогеологических систем 25

Djumanov Jamoljon Xudayqulovich

Mathematical modelling of geofiltrational processes of regional hydrogeological systems
..... 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 53

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ДЖУМАНОВ ЖАМОЛЖОН ХУДАЙҚУЛОВИЧ

МИНТАҚАВИЙ ГИДРОГЕОЛОГИК ТИЗИМЛАРНИНГ
ГЕОФИЛЬТРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ МАТЕМАТИК
МОДЕЛЛАШ

05.01.07 – «Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи»

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2017

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/T4 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университетида бажарилган. Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.tuit.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: Хабибуллаев Иброҳим

техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Ван Нор Азмин Сулейман

техника фанлари доктори, профессор (Малайзия)

Гулямов Шухрат Маннопович

техника фанлари доктори, профессор

Мухамедиева Дилноз Тўлқиновна

техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти қошидаги Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.07.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «__» ____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 108. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100202, Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 108. Тел.: (99871) 238-65-44.

Диссертация автореферати 2017 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Р.Х.Ҳамдамов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси т.ф.д., профессор

Ф.М.Нуралиев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби т.ф.д.

Н.Равшанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д.

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда жаҳонда аҳолининг ичимлик сувига бўлган талабларини қондириш учун ер ости сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. «Жаҳондаги мавжуд сув захирасидан 97% шўрланган сувлар бўлиб, 3% чучук сув ҳисобланади. Ичимлик сув манбаининг 68% музликларда жамланган, дарё ва кўллар чучук сув манбаларининг фақатгина 2%ни, яъни 93 минг км³ташқил қилади. Ичимлик сув манбаининг 30% ер ости гидросферасида жойлашгандир».¹ Шу сабабли ер ости гидросфераси ҳолатини ўрганишда ва ер ости сувларидан самарали фойдаланишда геоахборот тизимлари (ГАТ) асосида харитавий маълумотлар базасини шакллантириш, автоматлашган ўлчов мониторинги, геофилтрация жараёнларни математик моделлаш усулларини такомиллаштириш долзарб масалалардан ҳисобланади. Ривожланган мамлакатларда, жумладан АҚШ, Германия, Канада, Дания, Япония, Франция, Россияда мураккаб гидрогеологик шароитларда юз бераётган ҳодиса ва жараёнларни бошқаришда компьютёрлашган ўлчов қурилмалари, ГАТ-технологиялари ва математик моделлаш усуллари кенг фойдаланилмоқда.

Республикамиз мустақилликка эришгандан буён ер ости сув ресурсларини баҳолаш ва самарали мониторингини юритиш, мураккаб гидрогеологик шароитларда юз бераётган ҳодиса ва жараёнларни компьютёрлашган автоматик ўлчов қурилмалар асосида кузатиш усуллари, ГАТ-технологиялари билан математик моделлаш усуллари интеграцияси асосида ривожлантириш ва жорий этишга оид кенг қамровли чора тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилди. Бу борада, минтақавий гидрогеологик ҳудудларнинг геофилтрация жараёнларини математик моделининг ахборот таъминоти, гидрогеологик ҳудуднинг ҳолатини тезкор аниқлаш имкониятини берувчи, ер ости гидросфераси параметрларини аниқлашни автоматлашган ўлчов қурилмалари асосида такомиллаштиришга йўналтирилган қатор илмий тадқиқотларни алоҳида таъкидлаш мумкин.

Жаҳонда минтақавий гидрогеологик ҳудудларнинг геофилтрация жараёнларини математик моделлаш тизимини ГАТ-технологиялари асосида ишлаб чиқиш ва сизот сувлари сатҳи ўзгаришларини тезкор таҳлил қилиш, зарур ҳолатларда сув ресурсларини самарали бошқариш тизимларини яратиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада, сув танқислик йилларида ер ости сувларининг умумий сув ресурсларидаги ўрни ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини ҳисоблаш, ер ости сувларининг гидрогеологик тавсифларини ўрганиш, гидротехник иншоотларни ва мелиоратив сув таъминоти тартибини асослаш, ер ости сувлари ифлосланишини олдини олиш ва қишлоқ хўжалик

майдонлари шўрланишини бартараф этишда математик моделлашни, автоматлашган усуллар ва комплекс қурилма-дастурий воситалар билан гидрогеологик объектларнинг ҳолатини кузатиш ва сув ресурсларидан

¹
- <http://www.water.usgs.gov/edu/watercycleuzbek.html#runoff>

5

оқилона фойдаланиш тўғрисида қарор қабул қилишни асословчи интеллектуал тизимларни такомиллаштириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 мартдаги ПҚ 1730-сон «Замонавий ахборот–коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора–тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 4 майдаги ПҚ-2954-сон “2017-2021 йилларда ер ости сувлари захираларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш ва ҳисобга олишни тартибга солиш чора тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ва Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 19 мартдаги 82-сон «Ўзбекистон Республикасида сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартиби тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши нинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш», V. «Қишлоқ хўжалиги. биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.² Минтақавий гидрогеологик тизимларнинг геофилтрация жараёнларини математик моделлаш, ер ости сувлари ҳосил бўлишининг турли мураккаб шароитларидаги, бир ва кўп қаватли қатламларини замонавий геоахборот технологиялари асосида комплекс таҳлили, ер ости гидросфераси автоматлашган мониторингни юритиш усулларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари, жумладан: United States Geology Survey, ESRI inc., (АҚШ), Geological Survey of Denmark and Greenland, Danish Hydraulic Institute (Дания), Federal Institute for Geosciences and Natural Resources, German Research Centre for Geosciences (Германия), Advanced Industrial Science and Technology (Япония), Chinese Academy of Geological Sciences (Хитой), Schlumberger Water Services, GIS and Geomatics Resources (Канада), Institute of Environmental Engineering System (Польша), Institute of Geology and Mineral Exploration (Греция), Indian Institute of Remote Sensing (Хиндистон), Geological Survey of the Netherlands- (Нидерландия), Korea Institute of Geoscience and Mineral Resources (Жанубий Корея), General Directorate of Minerals Research and Exploration Institute Turkey (Туркия), Бутунроссия гидрогеология ва инженерлик геологияси институти (Россия), Тошкент ахборот технологиялари университети, Гидрогеология ва инженерлик геологияси институтида (Ўзбекистон) кенг қамровли илмий

тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

⁻² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <https://www.researchgate.net/home>, <http://www.worldscientific.com/action/showPublications/> <http://www.euroscience.org/category/news/>, <https://www.scientificamerican.com/tech/>, J.C.Refsgaard «Operational Water Management», EWRA: Netherlands, 1997. -p.474. В.А.Кирюхин «Региональная гидрогеология» Санкт-Петербург. СПб. 2005. с.334 ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган

6

Ер ости сувлари ҳолатини аниқловчи автоматлашган мониторинг олиб бориш ва уларнинг шаклланиши жараёнларини математик моделлаш усуллари ёрдамида баҳолаш, геоахборот технологиялар ёрдамида маълумотлар базасини яратишга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: ер ости сувлари геофилтрация жараёнларини моделлаш усуллари ишлаб чиқилган (Brigham Young University, АҚШ); сув ресурсларни бошқариш жараёнларини моделлаш дастурлар мажмуи ишлаб чиқилган (Danish Hydrological Institute, Дания); рақамли ҳариталаш, яъни геоахборот ресурслари базасини яратиш, қайта ишлаш, уларни акс эттириш усуллари ва дастурий мажмуаси яратилган (GIS & Geomatics, Schlumberger Water Services, Канада); ер ости гидросфера сининг автоматлашган мониторингини юритиш усуллари ва дастурий таъминоти ишлаб чиқилган (Eijkelpark agrisearch equipment, Нидерландия); геофилтрация ва геомиграция жараёнларини моделлашда дифференциал тенгламаларни ечишнинг чекли айирмалар ва сонли усуллари дастурий таъминоти ишлаб чиқилган (ВСЕГИНГЕО, Геолинк Консалтинг, Россия). Дунёда ер ости сувларининг геофилтрация жараёнларини ифодаловчи тенгламаларни ечишнинг чекли айирмалар ва математик моделлаш усуллариини такомиллаштириш бўйича қатор, устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: жумладан, параболик турдаги дифференциал тенгламаларни сонли ечиш асосида геофилтрация ва геомиграция жараёнларини моделлаш усуллариини такомиллаштириш; гидрогеологик ҳудудларни математик моделлашда интеграциялаш имкониятини берувчи ягона ҳисоблаш тизимларини ривожлантириш; гидрогеологик шароити мураккаб ҳудудларни, ер ости суви ҳосил бўлиши ҳаракати ва сизилиб чиқиб сарфланиш ҳудудлари ўртасидаги ўзаро алоқа жараёнларини моделлаш усуллариини ишлаб чиқиш; ер ости суви конларнинг чегарасида филтрация жараёнлари бир қаватли қатламдан тузилиши бўйича кўп қаватли қатламларига ўтиши ва сув оқими тик йўналиши чизмаси бўйича ҳудудлар ўртасидаги ўзаро алоқа жараёнларини математик моделлаш. **Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Суғориш ва мелиоратив қарорларни асослаш, ер ости сувлари захираси ва ресурсларини баҳолаш каби масалаларни ечишда гидрогеологик жараёнларни математик моделлаш услубини яратиш ва такомиллаштириш, шунингдек, ер ости сувларини ҳимоялаш масалалари бир қатор олимлар: Н.Н.Веригин, А.А.Самарский, Ф.Б.Абуталиев, Я.Бэр, И.К.Гавич, Ж.Фрид, С.Ф.Аверьянов, И.И.Крашин, Л.Лукнер, В.М.Шестаков, В.М.Мироненко, П.Я.Полубаринова-Кочина, Н.С.Огняник, У.У.Умаров, J.C.Refsgaard, Д.Виста, L.M.Milne-Thomson, В.В.Веселов, В.М.Годьберг,

И.Н.Тихонов, W.Kinzelbach, И.Хабибуллаев, Р.Н.Усманов, М.Б.Баклушин, П.П.Нагевич, И.Н.Грачева ва бошқаларнинг илмий ишларида кўриб чиқилган.

Илмий тадқиқотларда ер ости гидросферасида фильтрация жараёнлари билан биргаликда тузлар миграцияси, босимсиз ва босимли, икки ва кўп қаватли ер ости сувлари ҳамда бошланғич ва чегаравий шартларида ер ости суви қатламларининг ҳолати, башоратлаш ва баҳолаш каби масалаларга

7

қаралган. Ҳозирги пайтда гидрогеологик жараёнларни ҳудудлар бўйича тақсимланганлик хусусиятларини ва ер ости сувлари ҳолатини ўлчаш тартиби элементларини ҳисобга олиниши билан гидрогеологик жараёнларни математик моделлаш, ҳамда геоахборот технологиялари асосида ҳар томонлама таҳлил қилиш, ер ости гидросферасини автоматлашган мониторингини юритиш, замонавий ГАТ технологиялари ва моделлаш усулларини интеграцияси услубларида муаммолар намоён бўлмоқда. Йирик гидрогеологик ҳудудларни математик моделининг ахборот таъминоти, яъни гидрогеологик ҳудуднинг ҳолатини тезкор аниқлаш имконияти, ер ости гидросферасининг таснифлаш хусусиятлари автоматлашган ўлчов қурилмалар ишлаши даражасига боғлиқдир. Шу муносабат билан ер ости суви сатҳи ва ҳароратини автоматлашган ўлчов қурилмаларини ишлаб чиқиш, бошланғич маълумотлар асосида геоахборот базасини яратиш, ҳудудга географик боғланган маълумотлар асосида жараёнларни математик моделлаш ва натижаларни муфассал таҳлили, тезкор харитавий тасаввурини яратиш, қарор қабул қилиш учун тавсия ва чора-тадбирлар ишлаб чиқиш усулларига бағишланган илмий-тадқиқотлар етарли даражада кўрилмаган. **Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти Тошкент ахборот технологиялари университети ва «ГИДРОИНГЕО Институти» Давлат корхонаси илмий-тадқиқот ишлари режасининг А7-067 «Сирдарё хавзасини Фарғона водийси ҳудудида ГАТ ёрдамида сув ресурсларини бошқаришнинг гидрогеологик асосини ишлаб чиқиш» (2009–2011); И-2012-3-5 «Фермер хўжаликларида суғориш учун ер ости сувларидан оқилона фойдаланишни гидрогеологик ахборотлаштирилган асосини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш (Хоразм воҳаси мисолида)» (2010-2012.); И-2012 3-7 «Ўзбекистон Республикаси ер ости сув конларида геология қидирув ишлари натижаларини қайта ишлаш, ресурсларини баҳолаш ва оқилона фойдаланиш учун замонавий рақамли гидрогеологик 3D моделларини ишлаб чиқиш (Охангарон дарёси водийси мисолида)» (2011-2012); ИТР-ОКР №401 «Гидрогеологик қудуқларда ер ости суви сатҳи ва ҳароратини ўлчовчи автоматлашган қурилма ишлаб чиқиш» (2011-2013) мавзулардаги илмий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади минтақавий гидрогеологик тизимлардаги геофильтрация жараёнларини математик моделлаш усулларининг самарадорлигини оширишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

минтақавий хусусиятли гидрогеологик жараёнларни моделлаштириш муаммоларининг ҳозирги ҳолатини таҳлили, моделлаш услубларини ривожланиши ва реал вақт режимида ахборот таъминотини ишлаб чиқиш; замонавий геоахборот технологияларининг интеграцияси асосида минтақавий гидрогеологик ҳудудларнинг геофилтрация жараёнларини математик моделлашнинг такомиллашган услубларини яратиш; минтақавий гидрогеологик масалаларни ечишда геоахборот тизимлари тузилмасини куриш тамойилларини ишлаб чиқиш;

8

минтақавий гидрогеологик тизимларнинг комплекс математик моделини ишлаб чиқиш;

гидрогеологик тизимлар геоахборот-математик моделининг тезкор ахборот массиви таъминоти сифатида кузатув қудуқларда ер ости суви сатҳи ва ҳароратини ўлчовчи автоматлаштирилган қурилманинг аппарат-дастурий таъминотини ишлаб чиқиш;

замонавий автоматлаштирилган ва ахборот технологиялари асосида ер ости гидросферасининг такомиллашган мониторингини юритиш услубини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикасининг алоҳида ҳудудлари учун минтақавий геоахборот-математик моделлар ишлаб чиқиш ва уни иқтисодий масалаларини ечишда тадбиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида минтақавий гидрогеологик ҳудудларнинг (ер ости сув конлари) геофилтрация жараёнларини математик моделлаштириш ва дастлабки маълумотларни автоматлаштирилган йиғиш, тўплаш ва қайта ишлаш асосидаги ахборот таъминоти қаралган.

Тадқиқотнинг предмети табиий ва техноген омиллар таъсиридаги гидрогеологик жараёнларни математик моделлаш тамойиллари ва дастурий воситалар, алгоритмлар, гидрогеологик кузатув қудуқларда ер ости суви сатҳи ва ҳароратини автоматлаштирилган ўлчов қурилмалар.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, математик ва геоахборот моделлаш, сонли усуллар, алгоритмлаш ва дастурлаш, ер ости сув тутувчи қатламларнинг ўтказувчанлик кўрсаткичларини ўрганишда дала ва лаборатория тажрибалари, тажриба усуллари, шунингдек ер ости суви динамикаси ва режим элементларини ўлчашда автоматлашган технологиялари, моделлаштириш ва тадқиқот натижаси маълумотларини қайта ишлаш тамойиллари ва усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мураккаб гидрогеологик шароитларда геофилтрация ва геомиграция жараёнлари назарияси тамойилларига асосланган минтақавий миқёсдаги гидрогеологик жараёнларни математик моделлаш концепцияси ишлаб чиқилган ва гидрогеологик жараёнларни математик моделлашнинг ахборот коммуникация технологиялари билан интеграциялаш усуллари такомиллаштирилган;

турли миқёсдаги геофилтрация моделларини бирлаштириш имконини

берувчи ягона ахборот технологик тизим доирасида замонавий геоахборот тизимлари асосида минтақавий характерли гидрогеологик объектлар геофилтрация жараёнларини математик моделлашнинг сонли усуллари такомиллаштирилган;

ер ости суви шаклланиши тамойилларидан фойдаланиб, турли миқёсдаги моделларни биргаликда қўллаш ва муфассал қамраб олишга асосланган минтақавий гидрогеологик объектларнинг геофилтрация жараёнларни геоахборот-математик моделлаштиришга мослашувчан тизими ишлаб чиқилган;

9

гидрогеологик маълумотларни автоматлаштирилган ўлчов тизимида қайд қилиш, йиғиш ва узатиш, геоахборот-математик моделлаштириш жараёнида бошланғич маълумот сифатида, шунингдек ер ости гидросфераси мониторинги юритиш мақсадида дастурий таъминот, технологиялар ва аппарат-қурилма воситалари ишлаб чиқилган;

келгусида ягона автоматлаштирилган мажмуига интеграциялашувчи минтақавий гидрогеологик объектлар геоахборот-математик моделининг харитографик маълумотлар базасини яратиш тамойиллари ишлаб чиқилган;

кенг миқёсдаги ҳудудларни мураккаб гидрогеологик шароитларида туз ҳаракатининг ер ости ва ер усти суви билан ўзаро боғлиқликдаги оқимлари жараёнини математик моделлаш тизими билан геоахборот тизимлар интеграциясини ташкил қилиш тамойиллари ва мезонлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат: минтақавий хусусиятли гидрогеологик тизимларни реал вақт режимида геофилтрация ва геомиграция жараёнларини математик моделлаштириш услублари ишлаб чиқилган;

гидрогеологик жараёнларни геоахборот-математик моделлашни кенг қўламда қўллаш, яъни турли хил геотасвирлардан фойдаланиб тўла муфассал қамраб олувчи минтақавий миқёсдаги геофилтрация ва геомиграция моделларни шакллантириш усуллари яратилган;

ишлаб чиқилган ва жорий этилган геофилтрация моделларини дастлабки маълумотлар билан таъминловчи автоматлаштирилган ўлчаш, қайд қилиш ва узатувчи қурилма-дастурий воситаси яратилган, ҳамда қурилманинг гидрогеологик тизимлардаги турли вақт оралиғи ҳолатларга мословчи ва созловчи дастурий мажмуа ишлаб чиқилган;

таклиф қилинган геоахборот математик моделлаш концепцияси асосида техноген ва табиий сув танқислик шароитида Фарғона водийсининг гидрогеологик шароитлари ўзгаришини башоратлаш модели яратилган.

минтақавий гидродинамик моделлаш ва ГАТ-технологиялари асосида ер ости сувлари режимининг асосий шаклланиш қонуниятлари ўрганилди, кўп йиллик табиий ва техноген омиллар таъсирида Фарғона водийсида сув олиш иншоотлари ишлаш жараёнида сизот ва босим ости сувларининг ўзаро боғлиқлиги, сув танқислиги шароитида ер ости сувларини комплекс ишлатилиш истиқболи аниқланган ҳамда Хоразм воҳасида ер ости суви

ресурсларидан комплекс фойдаланиш истиқболли модели ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги батафсил математик ифодалар ва қатъий белгиланган математик амаллар билан тасдиқланган, қиёсий таҳлил, ҳисоб амаллари ва формулалар ўзаро мувофиқлашганлиги билан ўлчаш, баҳолаш ва башоратлаш масалаларини ечишда реал ва тажриба синовидан ўтказилиши билан таъминланган. Модель хусусиятларининг аҳамияти, мослиги ва моҳиятини статистик фараз мезонлари, даражали ифодалар, тажриба натижалари билан ҳисоб натижалари оғишини таққослаш каби усуллардан фойдаланилган. Ўрганилган объектнинг модели реал ва тажриба маълумотлари билан таққосланган, шунингдек ГАТ асосида мослик

10

ўхшашлик (идентификация) масаласи ечилган, яъни берилган параметрлар қийматлари яқинлашиши, математик ифодага кирувчи айрим боғланишлар билан изоҳланади. Моделнинг адекватлик масаласи объект элементлари фарқини минимумлашувига келтирилди. Объектни моделга боғланиши растр маълумотлари асосида ва аниқ муфассал фазовий боғланиш билан амалга оширилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти минтақавий геофилтрация жараёнларини математик моделлашни илмий умумлаш, гидрогеологик тизимларнинг геофилтрация жараёнларни математик моделлашда ахборот таъминоти учун қурилма воситаларининг дастурий таъминоти назарий асосларини ишлаб чиқиш ва мураккаб гидрогеологик шароитларда геофилтрация назариясини қўллашга асосланган, гидрогеологик жараёнларни геоахборот–математик моделлашнинг илмий асосини такомиллаштириш, ер ости гидросферасида филтрация жараёнлари билан биргаликда тузлар миграцияси, босимсиз ва босимли, икки ва кўп қаватли қатламларда ҳамда турли бошланғич ва чегаравий шартларда ер ости суви ҳолати, уларни башоратлаш ва баҳолашда моделлаштириш алгоритмларини яратиш услубиятини ишлаб чиқишга хизмат қилади. Ишлаб чиқилган қурилма-дастурий воситалар, дастурий таъминот комплекси дастлабки ахборот таъминоти сифатида ҳамда ер ости гидросфераси автоматлашган мониторинги ва ахборот базасини қуриш ва қарор қабул қилишни асослашда кенг қўламида қўлланиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ер ости суви гидросфераси мониторингини юритишда геоахборот–математик моделлаш жараёнига дастлабки гидрогеологик маълумотларни автоматлашган ўлчов тизимида қайд қилиш, йиғиш ва узатиш аппарат-қурилма инструментал воситалари ва технологиялари яратилганлигидадир. Геоахборот-математик моделлаш концепция асосида мураккаб гидрогеологик тизимларни ягона автоматлашган мажмуида интеграцияси, турли миқдордаги ер ости сув олиниши жараёнларни моделлаш усули ёрдамида сув ресурсларини баҳолаш, Фарғона водийсининг гидрогеологик шароитлар ўзгаришидаги сув захирасини башоратлаш, Амударё қуйи оқимининг Хоразм воҳасида сув ресурсларини баҳолаш ва кўп вариантли ер ости суви ҳолатини ўрганиш имконини яратади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Минтақавий гидрогеологик тизимларининг геофльтрация жараёнларини геоахборот математик моделлаш усуллари ва дастлабки гидрогеологик маълумотларни автоматлашган ўлчов тизимига қайд қилиш ва йиғиш аппарат-қурилмалари асосида:

минтақавий оазисли суғоришнинг самарадорлигини оширишда, сув хўжалиги шароитини ҳисобга олиб, фермер хўжаликларининг суғориладиган ерлари учун ер ости сувларидан фойдаланиш бўйича самарали усуллар Фарғона гидрогеологик экспедициясида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2016 йил 14 ноябрдаги 08-2038-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқотлар натижалари

11

мураккаб гидрогеологик ва сув танқислиги шароитида маълумотларни интеллектуал таҳлил қилиш масалаларини ечиш имконини берган; ирригация тизимлари хавза бошқармалари тасарруфидаги ҳудудларнинг геофльтрация жараёнларини математик ва интеллектуал таҳлиллаш моделларини куриш усули ва қурилма-дастурий алгоритмлари Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари ҳамда ирригация тизимлари хавза бошқармаси қошидаги Хоразм мелиоратив экспедицияда жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2016 йил 12 декабрдаги 04/32-1237-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши фермер хўжаликлари ҳудудларида гидрогеологик қудукларни автоматик равишда ер ости сувлари сатҳи ва ҳарорати ўлчаш асосида гидрогеологик тизимлар геофльтрация жараёнларининг математик моделларини амалда жорий этиш ҳисобига мониторинг ва самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш тизимини шакллантириш имконини берган;

экин майдонлари ва сув хўжалик соҳаси тузилмасини мақбуллашда сув хўжалик шароитидан келиб чиқиб математик моделлаш ва геоахборот тизимлари, ер ости суви сатҳини пасайтириш чора-тадбирлари ва мелиоратив самарадорлигини ошириш учун ер ости гидросфераси мониторингида ҳолислик ва тезкорликни таъминловчи автоматлашган қурилма-дастурий воситалар Охангарон ва Тошкент олди режим станцияларида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2016 йил 21 ноябрдаги 33-8/6338-сон маълумотномаси). Илмий-тадқиқот натижаларининг қўлланилиши ер ости гидросферасида сув хўжалик шароитларининг ўзгариш ҳолати, ифлосланишларнинг тарқалиш динамикасини баҳолаш имконини берган;

ер ости сувларидан фойдаланиш ҳамда унинг ҳолати тўғрисидаги аниқ ва тезкор, автоматик мониторинг юритилиши Жанубий Қозоғистон гидрогеология мелиоратив экспедициясида жорий қилинган (Қозоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Сув ресурслари қўмитасининг 2016 йил 4 ноябрдаги 01/305-сон маълумотномаси). Илмий-тадқиқот

натижаларининг қўлланилиши ер ости гидросфераси мониторингида холислик ва аниқликни оширган, сув таъминотида 15–18% мелиоратив самарадорликни кўтарган; математик моделлаш натижалари асосида ер ости суви сатҳини пасайтириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган ва қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигининг 10–15% ўсишига имкон яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотнинг назарий ва амалий натижалари 7 та халқаро ва 10 та республика илмий амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 100 та илмий иш чоп этилган, жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 30 та мақола (25 та республика ва 5 хорижий журналларда)

12

63 та маъруза ва тезислар ҳамда 6 та ЭҲМ учун яратилган қурилма дастурий воситаларни қайд қилиш гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯ ИШИНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурлик даражаси асосланган, мақсад ва вазифалар, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларнинг амалиётга татбиқи, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Геоахборот технологиялари асосида гидрогеологик жараёнларни моделлаштириш муаммоларининг ҳозирги ҳолати**» деб номланган биринчи бобида гидрогеологик жараёнларни математик моделлаштиришнинг ҳозирги ҳолати ва уларни геоахборот технологиялари асосида такомиллаштириш масалаларининг таҳлили келтирилган. Йўналиш масалаларининг қўйилиши, тадқиқотни амалий қўлланиш объектларини танлаб олиш, объектни идентификациялаш, башоратлаш ва қарор қабул қилиш, ташкиллаштириш омиллари, автоматлаштирилган моделлаштириш тизимининг тузилиши ва функциялари таҳлили каби тушунчалар ёритилган.

Компьютер техникаларининг жадал тараққиёти, ахборот технологиялари ва математик усулларнинг муфассал маълумотларни қайта ишлаш технологиялари каби, геология, гидрогеология ва геоэкологияда илмий тадқиқотлар ва ишлаб чиқариш хусусиятларини бутунлай ўзгартирди. Геологияда моделлашнинг асосий масалалари, моделлаш услубларининг технологик самарадорлигини юқори кўтарди, унинг бажарувчилик тизими фаолияти

доираси кенгайиб, ишлаб чиқариш намуналарига, янада муҳим ва мураккаб жараёнлар ва объектларни моделлаштиришга зарурият пайдо бўлди. Адабиётлар шарҳи ва гидрогеологик жараёнларини моделлаштириш масалаларида, фундаментал ва амалий тадқиқотлар натижалари, гидрогеологик жараёнларини сонли моделлаштириш борасидаги олиб борилган илмий ишларга таяниб, жумладан: Ф.Б.Абуталиев, В.М.Шестаков, У.У.Умаров, И.К.Гавич, И.И.Крашин, Л.Лукнер, В.А.Мироненко, И.Х.Хабибуллаев, И.И.Измаилов, В.В.Веселов, Н.С.Огняника, А.Б.Ситников ва бошқаларнинг геофилтрация жараёнларини сонли моделлаштиришга оид; Ф.М. Бочеввер, Н.Н.Веригин, В.М.Голдберг, Ж.Фрид, Н.И.Плотников, П.Я.Полубаринова Кочина, Р.Н.Усманов ва бошқаларнинг ер ости сувлари динамикаси ва гидросферада тузлар миграцияси тадқиқотлари; А.А.Самарский, Ф.Б.Абуталиев, В.С.Владимиров, А.П.Александров, ва бошқаларнинг амалий дастурлар пакети ишлаб чиқиш, гидрогеологик жараёнларини моделлашда

13

ҳисоблаш математикаси ва дифференциал тенгламаларни ечишда чекли айирмалар схемаси усуллари бағишланган тадқиқотлари; Р.А.Акофа, Ю.А.Воронин, Д.Росс, В.Н.Садовский, Ю.И.Черняк ва бошқаларнинг тизимли таҳлил ва классификациялаш назариясига бағишланган тадқиқотларида; Л.Зада, Т.Саати, Е.Мамдани, Д.А.Поспелов, М.Сугэно, Р.Н.Усманов ва бошқаларнинг қатъиймас тўпламлар назарияси асосида сушт шаклланаётган жараёнларни математик моделлаштиришга оид; А.М.Берлянт, С.В.Булгаков, В.Я.Цветков, А.В.Кошкарёв, А.М.Трофимов ва бошқалар геоахборот тизимлари интеграциясида ахборотли ва рақамли хариталарга бағишланган тадқиқотларида кўриб чиқилган.

АҚШ, Канада, Дания, Буюк Британия, Хитой ва бошқа кўпгина малакатларда муфассал маълумотларни тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш ва фойдаланиш масалаларини, муфассал маълумотларни ташкил этиш мақсадида ҳукумат дастурлари доирасида амалга оширилмоқда.

Замонавий интеграциялашган геоахборот технологияларини қўллаш ва гидрогеологик жараёнларни математик моделлаштириш усуллари қуйидаги имкониятларни беради:

- анъанавий усулларга таққослаганда тадқиқот муддатини қисқартиради; –ҳисоблаш техникасини комплекс ишлатишни таъминлашни ва самарадорлигини оширади;

- янги тадқиқот усуллари қўллаш.

Автоматлаштирилган тизимларни ташкил этилишига кенг қизиқишларга қарамасдан, муаллиф фикрига кўра кўпгина ишлар тадқиқий йўналишда, қатор ҳолисона сабаблар билан ифодаланган, айнан:

- геология тармоғида режалаштирувчи ташкилотлар томонидан ана шундай ишларнинг мақсадга йўналтирилиши сушт ижро этилиши; – барча турдаги гидрогеологик объектларнинг марказлаштирилган стандартлар ишлаб чиқишининг йўқлиги;

- назарий тадқиқотларнинг етишмаётганлиги;

- математик ва ахборот таъминотини ишлаб чиқишда ва функционал

муносабатлар ўрнатишда тизимлар орасида янги боғланишларнинг йўқлиги. Математик моделлаш усулини қўллаш амалий самара бериши мумкин, қачонки ГАТ тизими моделлари билан ҳамроҳлигида ягона автоматлашланган мониторинг тури ташкил этилса. Бунинг учун турли билимларни ягона тизимга бирлаштириш ва бу билимларни бошқаришнинг мослашувчан имкониятларини яратилиши зарур. Бу ГАТ технологияларини эксперт тизимлари ва иммитация моделлари билан бирлаштириш йўллари орқали амалга ошириш мумкин.

Келажақда айнан мана шу комплекслар қуйидаги масалаларни ечишда қўлланилади:

– ер ости сувлари ҳолатини баҳолаш, сув олишнинг бошланиш вақти ва тугаш даражаси, фавқулодда вазиятлар ва техноген ҳолатини аниқлаш; – ер ости сув конлари динамикаси назорати, шунингдек мураккаб метеороитларда, қарор қабул қилишда маълумотлар тайёрлаш;

14

– ер ости сув конлари заҳирасини баҳолашда қишлоқ хўжалигининг суғориш ва мелиоратив шароитларини аниқлаш;

– аниқ қарор қабул қилиш жараёнларида сув ресурсларини ифлосланишдан ҳимоялаш чора – тадбирлар бўйича тавсияномалар бериш. Диссертациянинг биринчи бобида гидрогеологик объектларни тизимли тақдим этиш масалалари, гидрогеологияда қарорлар қабул қилиш жараёнларини замонавий ГАТ технологиялари асосида моделлаштириш тамойилларини интеллектуаллаштириш масалалари тадқиқ қилинган. Диссертациянинг **«Гидрогеологик объектларни математик модели»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг услубий хусусиятлари аниқланган, ер ости ва ер усти сувлари билан гидравлик ўзаро боғланишларининг геофильтрация ва геомиграция жараёнларини математик моделлаш ва сонли ечимлари, шунингдек сизот сувларининг текисликдаги оқимини ўрганиш учун дастурий комплекслар ишлаб чиқилган. Гидрогеологик масалаларни ечишни асосий ҳолатлари, бир жинсли бўлмаган ер ости сув тутувчи қатламларини бир ва кўп қатламли тузилишдаги ер ости ва ер усти сувлари билан ўзаро боғланишларини ҳисобга олган ҳолда, босим ости ва босимсиз сизот сувларини текис муфассал оқимлари ностационар фильтрация жараёнларни математик моделлаштириш усуллари асосида, вақт ўзгариши мобайнида чегаравий шартлар ва сув ўтказувчанлик хусусиятлари келтирилган.

Гидродинамик моделлаштиришда тадқиқот олиб борилаётган ҳудудни схемалаштириш лозим. Фильтрация ҳудудини схемалаштиришда «бир қийматли ечимлар шarti» масалаларининг зарурлиги кўзда тутилади. Бу шартлар қуйидагилардан иборат:

–фильтрация ҳудудининг геометрик хусусиятлари (ер ости сув тутувчи қатлам қалинлиги, ер ости сувини ўтказмайдиган қатлам ўлчамлари, кенглиги ва узунлиги бўйича масофа);

–фильтрация кўрсаткичларининг хусусиятларини ҳисоблаш (фильтрация

коэффициенты, босим ўтказувчанлик ва сув ўтказувчанлик); –чегаравий ва бошланғич шартлар (чегарадаги сув ҳаракатининг бошланғич вақтдаги сув сатҳи, босим ва тузларнинг дастлабки қиймати); Моделлаштирилаётган ер ости сув тутувчи комплексида сувли қатламлар тарқалган майдон ҳудудида сув шимилишни таъминлашни ва икки ўзаро боғланган ва алоқада бўлган сув қатламларидан оқиб ўтиши, ёнма-ён ва чегарадош ер ости сув қатламларида ёки қатъий фильтрация режими остида ўзгаришсиз босим шартларини қўйиш масаласи кўзда тутилган. Фильтрация ҳудудининг ташқи ва ички чегараларида турли ҳил: биринчи, иккинчи ва учунчи турлардаги чегаравий шартлар мавжуд. ЭХМда геофильтрация жараёнларини сонли моделлаштириш учун қуйидаги босқичлардан иборат услублар таклиф этилган: 1) масаланинг қўйилиши; 2) гидрогеологик–мелиоратив шароитларини схемалаштириш ва геофильтрация моделини тузиш; 3) математик моделини тузиш; 4) математик моделни ечишнинг сонли усулни ишлаб чиқиш; 5) масалани ечишнинг алгоритмларини ишлаб чиқиш; 6) дастурлар тузиш ва яратиш; 7)

15

кўпвариантли ҳисоблашлар ўтказиш ва эпигноз масаласини ечиш, моделлаштириш ва амалий тадқиқотлар натижаларини таққослаш; 8) натижавий маълумотларни таҳлил қилиш ва баҳолаш масаласини ечиш.

Фойдаланилаётган математик модель дифференциал тенгламалар тизимига асосланган бўлиб, сув тутувчи қатламларни ўзаро боғловчи ҳамда вақтга боғлиқ ҳудудий текисликдаги ер ости суви оқими динамикасини ифодалайди ва хусусий ҳосилали параболик турда қуйидаги математик модель кўринишга эга бўлади:

$$\begin{aligned} & \mu + -\delta \left| \frac{\partial h}{\partial t} \right| \\ & \left| \frac{\partial h}{\partial t} \right| \frac{\partial}{\partial t} \\ & \frac{\partial}{\partial t} = \frac{\partial}{\partial x} \left(k h \frac{\partial h}{\partial x} \right) + \frac{\partial}{\partial y} \left(k h \frac{\partial h}{\partial y} \right) - Q_{\text{чек}} f \end{aligned} \quad (1)$$

қуйидаги кўринишга эга бўлган бошланғич,

$$h(x, y, t_0) = \phi_1(x, y); (x, y) \in G; t_0 = 0 \quad (2)$$

ва чегаравий шартлар,

$$h(x, y, t) = \phi_2(x, y); (x, y) \in \Gamma_1; t > t_0 \quad (3)$$

$\frac{\partial}{\partial t}$

$\frac{\partial h}{\partial t}(x, y)$

$$- \frac{\partial h}{\partial t}(x, y) \in \Gamma_2; t > t_0; \quad (4)$$

$$= \phi_3$$

kh ,

$$\begin{aligned}
& \frac{\partial}{\partial t} \left(\frac{\partial}{\partial x} \left(\frac{\partial}{\partial y} \left(\frac{\partial}{\partial z} \left(\frac{\partial}{\partial t} \right) \right) \right) \right) = \dots \\
& \dots = \dots
\end{aligned}$$

$$\begin{aligned}
& \frac{\partial}{\partial t} \left(\frac{\partial}{\partial x} \left(\frac{\partial}{\partial y} \left(\frac{\partial}{\partial z} \left(\frac{\partial}{\partial t} \right) \right) \right) \right) = \dots \\
& \dots = \dots
\end{aligned}$$

бу ерда $h(x, y, t)$ – ер ости суви сатҳи, м; $c(x, y, t)$ – ер ости суви минераллашуви қиймати; x, y -горизантал координаталари; $k(x, y)$ –фильтрация коэффицентлари; $(,), (,), x, y, D, D_x, D_y, D_z = \lambda, \nu, \nu, \nu = f, w$ - инфильтрацияланувчи оқимлар ва парланиши, c_f инфильтрацияланувчи сув концентрацияси; $N(x, y, t)$ -қаттиқ турдаги тузлар; λ -гидродинамик дисперсия параметри; γ^*, γ^{**} - туз алмашиниш диффузияси ва химик жараёнларни характерловчи параметрлар; γ_0 -константалар ва изотермалер; ϵ_0 –кирувчи туз манбайи.

Ушбу (6) - (8) дифференциал тенгламалар тизими табиий ва гидрогеологик шароитларини ифодаловчи куйидаги бошланғич ва чегаравий шартлар асосида ечилади

$$\begin{aligned}
& h(x, y, 0) = h(x, y); c(x, y, 0) = c(x, y); \\
& N(x, y, 0) = N(x, y), (x, y) \in G \\
& \dots \\
& \dots
\end{aligned}$$

$$\begin{aligned}
& \alpha \beta \delta ((, ,)) \\
& - \\
&)h c x y t + = \\
& \begin{matrix} 2 & 2 \\ 2 & 2 \end{matrix} \quad \partial^2_2 \quad \begin{matrix} 1 \\ || \end{matrix} \quad (10) \\
& \begin{matrix} 2 & n \end{matrix} \\
& \alpha \beta \alpha \beta \\
& + > + > \in > 0, 0, (,), t 0 \\
& \begin{matrix} 1 & 2 & 2 \\ 1 & & \end{matrix} \quad x y G
\end{aligned}$$

бу ерда $h_0(x,y)$, $c_0(x,y)$, $N_0(x,y)$, $\gamma(x,y,t)$, $\delta(x,y,t)$ – берилган функциялар; G – фильтрация области, Γ – унинг чегараси.

(6) - (8) тенгламалар тизимини (9) - (10) бошланғич ва чегаравий шартлар асосида ечишда Ф.Б.Абуталиев, Р.Н.Усмонов ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган чекли – ва векторли айирмалар усулларидадан фойдаланилди, ҳисоблаш жараёнлари эса, А.А.Самарский томонидан ишлаб чиқилган локал бир ўлчовли схемалар асосида амалга оширилди.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган моделлар ва уларни амалга оширувчи услублардан фойдаланиб, ер ости сувлари ҳолати ўзгариши, уларнинг ер усти сувлари билан боғлиқлиги ва чучук сувларнинг сифати ўзгариши, концентрацияси ёки ифлосланиши масалаларини текисликда ва вақт ўзгариши бўйича тадқиқ қилиш мумкин.

Муфассал миқёсдаги ҳудудлар минтақавий ер ости сув оқими ўнлаб ва юзлаб километрга чўзилади. Минтақавий ер ости суви шаклланишининг қонуниятлари геологик тузилиши, сув тутувчи қатламларнинг таркибий тузилиши хусусиятлари, ер ости суви оқимининг сув таъминоти ва сувни сарфланиб бўшаши шарт шароитлари билан аниқланади. Моделлашнинг сифатли бажарилишида ҳисоб жараёнларининг хусусиятлари ва омилларнинг

17

йўналиши табиий ҳолатга мослиги (адекватность), дастурлаш билимини ҳамда мураккаб гидрогеологик шароитлар ҳисобга олинган. Ушбу ёндашувларни амалга оширувчи дастурий восита яратилган, ҳудудий текисликдаги ер ости суви оқимини фильтрацияси қирқимдаги (бир, икки ўлчовли) ҳолатларни ўз ичига олувчи, сизот сувлари оқимининг чегаравий масалаларини ечишда амалга оширувчи алгоритмлари; бошланғич маълумотларни киритишда графикли интерфейсларидан ва уларни махсус тузилишда сақлашга мўлжалланган дастурлар ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «Гидрогеологик масалаларни ечишда геоахборот - математик моделлаштириш» деб номланган учинчи бобида турли

хусусиятга эга гидрогеологик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва

сақлашда замонавий геоахборот технологиялар асосида, сув хўжалигининг

кескин шароитлари гидрогеологик ҳолатини баҳолаш масалалари кўрилган. Ер ости сувлари гидросферасини шаклланиш қонуниятларини аниқлаш мақсадида муфассал таҳлиллар; объектларнинг тузилиши ёки тақсимланиши, шунингдек уларнинг вақт бўйича ва ўзгариш хусусиятлари; бир неча қаватли сув тутувчи қатламларнинг алоҳида хусусиятларининг тақсимланишидаги ўзаро боғланишнинг мавжудлиги ва уларнинг турлари; вақт мобайнида ҳодисаларнинг ривожланиш тенденцияси таъминотида ва сув сарфи шартларига асосан аниқланадиган (оқиб кетиши, ўсимликлар буғлантириши ва парланишлар) аэрация ҳудудларида ер ости сувини тартибга солиш каби масалалар ечилган.

Замонавий ГАТ технологиялар объектга йўналтирилган электрон маълумотлар базасини яратиш (1-расм), ўзида объектнинг харитографик ва рақамли маълумотларни қамраб олувчи топологик харитага географик координаталари билан боғлаш имконини беради. Гидрогеологик объектлар (ГГО) учун яратилаётган электрон ашёвий ва харитографик маълумотлар базаси (2-расм), минтақавий ГГО математик моделининг гидрогеологик ахборот асоси деб номланади. ГАТ технологиясини жорий этиш ва ривожлан тириш учун гидрогеологик ахборот тизими яратилди. Умумий ҳолатда ГАТ қуйидаги қисм тизимларини ўз ичига олади:


- йиғилаётган маълумотни семантик моделлаштириш;
- кираётган маълумотни назорат қилиш учун иммитацион моделлаш;
- геометрик моделлаштириш;
- модели ечимларни назорат қилиш учун имитацион моделлаштириш;
- вектор ва скаляр мезонлари асосида маълумотни тўғрилаш; – интерактив моделлаштириш;
- базада сақланувчи маълумотни семантик моделлаштириш;
- ҳужжатлар таъминоти;

Гидрогелогик объектларни математик моделлаш жараёнида замонавий ГАТ интеграллашган ахборот тизимларини янги турларини тақдим қилиш ролини бажаради. Бу автоматлашган тизим ўзида фактографик, харитавий ва мавзули маълумотлар базасини катта қисмини ташкил қилиб, модель ва ҳисоб функцияларини боғлаш ва уларни манипуляция қилиш, ҳамда натижа-

Маълумотлар		Усуллар	Моделлар	Баҳолашлар	Тафсилотлари
Фазовий				Чизиқли	Муносабати Ўзаро
Аниқловчи		Туғри бурчакли		Майдонли	алоқаси
Метамаълумотлар		Умумий			
		Учбурчакли			
Тақдимотлари		Бошқарув тизими		Мунтазам	Боғланишлар
е				Градиенли	Тартибланиш
Бошланғич				Палитрали	Саноклар
Аслидан		Вектор маълумотлари			Иерархик
Илдиздан		Макет маълумотлари			Тармоқли
		Маълумотлар базаси			Реляцион
Акслантириш, боғлашниш		Нуқтавий		Кўриниши	

	Ишончлилиги	ҳаракати	
Растрли		Сақлаш	
Векторли	Дифференциал	Қайта ишлаш	Схемалар
Мавзули	Интеграл	Фойдаланиш	Тизимлар
	Функционал		Технологиялар
	Маълумотлар		
Мослиги	Ҳолатлар	Ҳоссаси	
Ўхшашлиги	Мутоносиблик	Процедуры Ўзаро	
		Таом	
Бошланиш			

Расм 1. Геоахборот тизимининг тузилмаси



Расм. 2. Геоахборот - математик моделлаштириш усуллари билан гидрогеологик масалаларни ечиш алгоритмлари схемаси

ларини муфассал харитий малумотларга ўтказиш, булар асосида турли қарорлар қабул қилиш ва назорат ўрнатиш имконини беради.

Диссертациянинг «**Гидрогеологик жараёнларни моделлаштириш тизимининг автоматлаштирилган ахборот таъминотининг технологик жиҳатлари**» деб номланган тўртинчи бобида реал вақт тизимида ер ости гидросферасини гидрогеологик хусусиятларини автоматлашган ўлчаш ва қайд этиш қурилмасини яратиш таклиф қилинган ва у қуйидаги ҳолатларда математик моделлар ахборот тизими базаси сифатида қўлланилади: –грунт

сувлари катламларини ҳолати мониторинги;

- ер ости гидросфераси ифлосланиш оқибатларини баҳолаш; –ер ости сувларини эксплуатацион заҳираси ва ресурсини баҳолаш;
- ифлосланиши мумкин бўлган ҳудудларда сув сифати назорати;
- ифлосланган майдонларни ўрганиш;
- филтрация – тажриба жараёнларидаги ўлчов ишларни олиб бориш;
- сув катламларининг гидравлик хусусиятларини баҳолаш;
- сув катламларининг ўзаро таъсирини мониторингини юритилиши; –сув сатҳи ўзгаришининг салбий оқибатларини экологик баҳолаш; Илмий тадқиқот, тажриба ва назорат ишлари асосида қурилманинг барча

ташкил этувчи қисмлари ва уларнинг ўзаро боғланишли муносабатлари, ўзгариш меъёрларда ишлаш кўрсаткичлар асосида ер ости сувлари сатҳини ўлчовчи автоматлашган қурилманинг принципаал схемаси таклиф қилинган.

Ушбу автоматлаштирилган сув сатҳини ўлчовчи қурилма ер ости гидросферасининг асосий режим ташкил этувчи барча хусусиятларини ўлчашни автоматлаштириш имконини бериб, у ўлчов назорати элементлари ва юқори сезувчанлик, ўрнатилган электроника схемаларини ишлатилиши, юқори аниқликда ва сезувчанлик жиҳозлари билан таъминланган.

Қурилманинг метрологик хусусиятлари. Ер ости суви сатҳи 100 м чуқурлигигача ўлчанади; сатҳни ўлчаш диапозони – 0 дан 20 м; ўлчовларнинг асосий фаоллигининг чегараси 2,%; ҳароратни ўлчаш диапозони – 0 дан 80 градус C^0 , ҳарорат ўзгаришининг асосий хатолигининг чегараси = 2,5%.

Автоматлаштирилган қурилманинг ишлаб чиқилиши муаллиф раҳбарлигида ўтказилган, муаллиф – ишлаб чиқарувчи ишчи ҳужжатлар комплектини, чизмаларни ва намуналарни тақдим этган.

Ер ости суви мониторингини симсиз тармоққа улаш мақсадида қуйидаги тавсиялар таклиф этилган: ер ости суви кўрсаткичларини қайд қилиш комплекс ечимини топиш; қабул қилувчи трансиверлар; маълумотларни ва дастурий таъминотни йиғиш воситалари; майдонда маълумотларни йиғиш жараёнининг юқори самарадорлиги, 70% га (одатдаги усуллардан самаралироқ); инсон омиллари ўлчов жараёнидан ҳолилиги

туфайли маълумотларнинг юқори даражада аниқлиги амалга оширилади.

Диссертациянинг «ГАТ технологиялари асосида минтақавий гидро геологик объектларининг геофилтрацион жараёнларини моделлаш» деб

номланган бешинчи бобида ишлаб чиқилган ГАТ технологиялари концепцияси қўлланиш тажрибаси келтирилган. Бу тажриба Ўзбекистон Республикасининг алоҳида ҳудудлари мисолида кўрсатилган. Ер ости ва ер


устидаги сувларининг ўзаро боғлиқлигини яхлит функцияларини тадқиқот этишда ички ва ташқи боғланишларнинг динамикасини аниқлаш зарур сув кириб келувчи майдонларининг ўзаро таъсир кўрсатиши, ўтиш ва чиқиш, баланснинг турли элементлари, уларнинг ташқи ва табиий омиллар билан боғланиши. Шу сабабли, гидрогеологик объектларни фазовий тасаввур нуқтаи назаридан кўриб чиқишда, ички ва ташқи боғланишларни аниқлашда ва ГГО

ни ўзаро боғланган элементлар кўплиги сифатида тақдим этишда, геоахборот таҳлилдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.


Фарғона водийси ер ости сувлари конларининг гидрогеологик-ахборот асоси тақлиф қилинди. Гидрогеологик ахборот асоси реал материаллар хари таси, кузатув ва сув олувчи қудуқларининг жойлашиши, буғланиш ва сув шимилишининг тақсимланиши, дарёлар, каналлар, зовурлар бўйича маълумотлардан иборатдир. Фарғона водийси геология тузилмаси, геоморфологик ва гидрогеологик хусусиятлари бўйича мустақил биринчи даражали сув балансли ҳудуди ҳисобланган. Фарғона водийси турли даражадаги ер ости сув тизимлари—яъни ер ости сув конларига бўлинади.

Фарғона водийси ер ости сув конларининг минтақавий математик модели ишлаб чиқилди. Сув ҳўжалиги шароитларининг ўзгаришларини ҳисобга олиб истиқболли заҳираларини баҳолаш учун ишлаб чиқилган моделлаштириш дастурлари асосида Фарғона водийси ер ости сув конларининг ҳозирги ҳолати бўйича натижалар олинди ва водийнинг сув билан таъминланганлик даражасини ошириш мақсадида ер ости сувларининг экинларни суғориш учун фойдаланиш тақлифлари берилган.

Ўзбекистон Республикаси миқёсида Фарғона водийси ҳудудида ер ости ичимлик суви конларини сизилиш хусусиятларининг муфассал тақсимланиш қонуниятлари ўрнатилган. Табiiй ва техноген объектларни ўрганишдаги бошланғич ахборотлар таҳлили (3-5 расм), схемалаштириш жараёнлари натижалари, бошланғич ва чегаравий шартлар ишончлилиқ аломатлари асосланган. Ер ости сувлари балансини аниқлаш, геофилтрация жараёнларини моделлаш тадқиқот услублари ишлаб чиқилган ва бу орқали ер ости сув




Расм 3. Ҳудуд ер ости сувлари сатҳи ва минераллашуви ҳаритографик маълумотлари



АБ

Расм. 4. Фарғона водийсининг минтақавий гидрогеологик моделини А- умумий кўриниши; Б- кузатув ва сув олиш қудуқлари жойлашиши



Расм 5. Моделлаш натижасида олинган ер ости ва ер усти суви ресурсларини комплекс равишда ишлатилиши схематик харитаси. 1-дарё, 2-канал, 3-сув конлари чегараси, 4-ер ости сувлари; 5 -ер ости ва ер усти сувлари комплекс равишда; 6- ер усти сувлари

тутувчи катламларнинг гидрогеологик хоссаларини ҳисоблаш бўйича тажрибалар ўтказилган. Бошланғич ва чегаравий шартларнинг асосланиши ва хусусиятлари қаралган.

Халқ хўжалигининг барча объектларида қизғин жорий қилинаётган, қирқим ва текисликда фильтрация хусусиятларининг ўзгарувчанлик ва тузилмасини акс эттирувчи замонавий ГАТ технологиялар асосида геоахборот тизимларини яратишнинг тамойили ва аломатлари ишлаб чиқилган. Амударё қуйи оқимининг «Хоразм воҳаси гидрогеологик-ахборот модели» бўлимида ГАТ ни қўллаб халқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга бўлган турли хил гидрогеологик масалаларни ечиш жараёнларида ишлаб чиқилган ва такомиллаштирилган гидрогеологик-ахборот моделининг назарий, услубий ва технологик асоси баён қилинган. Бу бўлимда тадқиқотнинг асосий ҳолатларини ёритувчи муайян ҳудудларда олинган натижалар келтирилган.

Хоразм воҳаси гидрогеологик-ахборот модели ер ости сувларининг ҳолатини акс эттирувчи электрон ашёвий ва харитографик маълумотлардан

тузилган. Бу эса фермер хўжаликларига ўз ҳудудлари бўйича гидрогеологик маълумотларни олиш имкониятларини беради.

Хоразм вилоятининг 1:200000 миқёсидаги маъмурий - ҳудудий бўлиниш топографик харитаси, геологик ва морфогенетик комплекси, гидрогеологик ва гидрологик хариталари таянч асос сифатида олинган бўлиб, булар минтақавий ва локал даражаларига мувофиқдир. Таянч асосли хариталар негизида бошқа барча харитографик маълумотлар ер ости сувлари ҳолатини ўрганиш ва фойдаланиш мақсадида жадваллар атрибутив ва муфассал далил ашёвий ахборотлар кўринишида тизимлаштирилган.

Электрон хариталар тузиш ахборот таъминоти технологиялари ўзида; маълумотлар базасини яратиш ва юритиш, харитографик маълумотларни кодлаш ва синфлаштириш тизими, рақамли баён қилиш қоидалари асосида тасвирларни кўриниши, рақамли хариталарнинг ишчи қатламларини яратиш ва таҳрир қилиш, шакллантириш ва сақлаш, рақамли хариталарнинг шартли белгилар тизими ва маълумотлар формати, амалий ахборотлаш ва ҳисоб масалаларини (рельеф баландлигини ҳисоблаш, жойларнинг қирқимини тузиш, нуқтада баландлик ва координаталарни аниқлаш, узунлик, азимутлар) ечишда фойдаланувчиларга интерфейс қулайлаштирилган.

Маълумотларнинг ахборот базаси табиий ва техноген омилларни, сув хўжалик вазиятлари ҳолатини аниқловчи, тадқиқот олиб бораётган объектнинг гидрогеологик шароитларини ўз ичига олади. Хоразм вилояти мисолида фермер хўжаликларининг экин майдонларини суғориш учун ер ости сув ресурсларидан оқилона фойдаланишда, ер ости суви гидросфера-сининг гидрогеологик ахборот тизими (бошқарув модели) ишлаб чиқилган ва яратилган, ГАТ технологиялари асосида гидрогеологик ахборот тизимининг яратилиши баён қилинган, тузилиши ва математик дастурий таъминоти, ҳар бир йилнинг сувлиликка қараб, суғориш учун мукаммаллашган ер ости сувларини олишнинг мумкинлиги асосланган ва ишлаб чиқилган.

ХУЛОСА

